

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTINING
ФАРМОНИ



УКАЗ
PREZIDENTA
RESPUBLIKI UZBEKISTAN

2018 йил “ 20 ” июнь № ПФ-5459 “ ” 20 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ-5286-сонли Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида экспорт қилинадиган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатида:

10-бандининг “ТН ТИФ коди” графаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“ 4101 – 4107, 4112 00 000 0 – 4114, 4301 – 4302 ”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 20 июндаги ПФ-5459-сонли Фармониغا
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўз кучини йўқотган айрим қарорлари
рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 11 мартдаги ПҚ–26-сонли қарорининг 3–банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ–2164-сонли қарори 4-иловасининг 21-банди.

3. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 июлдаги ПҚ–2213-сонли қарори иловасининг 1-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сонли қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши ва 3-банди.

